ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

## «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган „МИЛЛАТИМИЗ ИФТИХОРИ“ мавзусида» мақолалар танлови

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14 сентябрь «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ 2854-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 мартдаги 175-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган «Миллатимиз ифтихори» мавзусидаги мақолалар танлови тўғрисида»ги 87-02-2993 сонли хат ижросига биноан тарғибот ишлари олиб борилди. Танлов якуний натижаларига кўра Санъатшунослик факультети, «Музейшунослик» йўналиши 3-курс талабаси Исматуллаев Жобирнинг «Шароф Рашидов – халқимизнинг фидойи фарзанди!» номли мақоласи 1-ўринга, Тасвирий санъат факультети, «Ҳаттотлик ва миниатюра» йўналиши 1-курс талабаси Адизова Ашуройнинг «Ватанга бахшида бўлган умр» номли мақоласи 2-ўринга, Санъатшунослик факультети, «Санъатшунослик» йўналиши 1-курс талабаси Рустамова Комиланинг «Юртим ифтихори» номли мақоласи 3-ўрин ғолиби деб топилди. Ғолибларга институтнинг дипломлари топширилди.

# ШАРОФ РАШИДОВ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ!

**Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан эди**

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти



Шароф Рашидов Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов ва бир гуруҳ идодкорлар билан

Бир донишманддан олий мансаб соҳибларининг буюклиги нимада деб сўраганларида, уларнинг буюклиги оддийлигида деб жавоб берган экан. Халқимизнинг узоқ ўтмишида жуда кўп ҳукмдорлар, давлат арбоблари ўтган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўзидан яхши ном қолдириб, тарих саҳифаларидан жой олмаган. Бунга уларнинг ўз халқи турмуши, ижтимоий аҳволига эътиборсизлиги, жамиятдан йироқлиги, бир сўз билан айтганда миллат тақдирига бефарқлиги асос бўлган. Дарҳақиқат, киши қандай мансаб-мартабага эга бўлишидан қатъий назар, ўз халқи билан ҳамнафас бўлиб, миллатдошлари дарду ташвишига елкадош бўлса, яъни содда тил билан айтганда оддий, халқпарвар бўлса, бутун халқ ҳурматини, чексиз меҳрини қозонади. Авлодлар қалбидан, хотирасидан мангу жой олади.

Ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида ўз фаолияти билан ўчмас из қолдирган заҳматкаш инсон, давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли адиб Шароф Рашидов халқимиз дилидан ўрин олган фидойи раҳбарлардан биридир. Шароф Рашидов мамлакатимиз ҳали мустақилликка эришмаган, собиқ совет мафкураси ҳукмрон бўлган, ўта мураккаб шароитда, яъни 1959-1983 йилларда Республикамизнинг биринчи раҳбари бўлиб фаолият юритган ва доим халқимиз манфаатини ҳимоя қилиб, марказдан келадиган тазйиқларни юмшатиб, бартараф этиб, катта жасорат кўрсатган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов «Танланган асарлар»ининг 4-жилдида «Икки мактуб тарихи» мақоласида Шароф Рашидовнинг ўрта асрларда яшаб ўзидан илмий-ижодий мерос қолдирган буюк аждодларимиз меросининг пухта билимдони эканлиги кўринади. 1980-йилда башарият илму-фанига катта ҳисса қўшган олим, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йиллиги нишонланиши арафасида «Буюк Шарқ олими Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги яқинлашиб келмоқда эди. Шароф ака мени чақиртирдилар ва Абу Али ибн Сино ҳақида бирор достон ёзишимни маслаҳат бердилар. Мен ибн Сино касб-коридан унчалик хабардор эмаслигимни айтдим. Шунда Шароф аканинг руҳиятида ёзувчилик сифатлари «ярқ» этиб намоён бўлди. У киши буюк олимнинг серқирра фаолияти ҳақида жўшиб гапирдилар… Соғлигимни суриштирдилар-да… Чехославакиянинг Карлови-Вари булоғининг сувини ичишимни маслаҳат бердилар… Карлови-Варининг суви ёқмадими, соғлигим бироз оғирлашди. Қайтиб кетишдан бошқа иложим йўқ эди. Бироқ мен ўзимга ажратилган кенг хонада йиққан материалларим асосида «Ҳаким ва ажал» достонини ёза бошладим». Шоир Абдулла Орипов йигирма кун ичида достонни ёзиб тугаллаб, Тошкентга қайтади ва асар қўлёзмасини Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги раиси Комил Яшин орқали Шароф Рашидовга чиқаради. Гарчи республика раҳбари бўлишига қарамай Шароф Рашидов достон билан танишиб чиқади ва шоирга қуйидаги мактубни йўллайди:

*«Укам Абдулла Ориповга.*
*Ибн Сино шундай бир қуёшки, у минг йиллар тарихини ёндириб ҳам иситиб, ҳам безаб турибди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳам умумхалқ маданияти тарихининг мангу қуёшидир...*
*Жасоратингиз ва меҳнатингизга тасанно, балли укам. Қойилман. „Ҳаким ва ажал“ достони жонажон адабиётимизнинг жуда ноёб мулки сифатида, поэзиямизнинг шоҳ асари сифатида ўқилади. Бу ижодий зафар билан сизни чин дилдан табрик қиламан. Кам бўлманг, укам. Умрингиз узоқ бўлсин, қўлингиз ва дилингиз дард кўрмасин. Ана шундай достонни ўқишдан бахтиёрман.*
*Эҳтиром билан: Шароф Рашидов 10.8. 80»*

Худди шу йили шоир Абдулла Ориповга ушбу асари учун «Ҳамза» номидаги давлат мукофоти берилди.

Шароф Рашидов буюк шоир, шеърият мулкининг султони Алишер Навоийга юксак эҳтиромда бўлган. Буни у кишининг фаолиятида яққол кўриш мумкин. 1968-йилда Навоий ҳазратлари таваллудининг 525-йиллигини нишонланди (1966-йил Тошкент зилзиласи сабабли юбилей санаси кечиктирилган). Шоир таваллудини кенг миқёсда нишонлаш мақсадида адиблар, навоийшунос олимлар, давлат арбоблари вакилларидан иборат қўмита тузилиб, унга Шароф Рашидовнинг шахсан ўзи раислик қилди. 1968-йилнинг март ойида бўлиб ўтган юбилей қўмитаси йиғилишида Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш фолиятини кенгайтириш, ўн жилдлик мукаммал асарлар тўпламини нашр эттириш, шоир асарларига ишланган миниатюралар тўпламини чиқариш каби ишлар белгилаб олинди. Қўмита қарорига мувофиқ 25–27 сентябр кунларида Алишер Навоий таваллуди Республикамизда кенг нишонланди, илмий анжуманлар ташкил этилди. Шоир номидаги адабиёт музейига янги бино қурилди. Музей олдида Навоий ҳазратларининг ҳайкали очилди. Амалга оширилган бу ишлар жуда катта жасорат эди. Чунки бунга қадар бирорта ўзбек алломаси ҳайкали пойтахтнинг марказий кўчасида қад ростламаган эди. 1982-йилда Республикамизда янги ташкил топган вилоятга шоир номининг берилишида ҳам Шароф Рашидовнинг сайи-ҳаракатлари сабаб бўлган.

Гарчи мен Шароф Рашидов билан учрашмаган, замондош бўлмаган бўлсамда, у кишининг фаолиятларига доир манбалар, материаллар ҳамда ижоди билан танишман. Шунингдек, Шароф Рашидов билан замондош бўлган, учрашган инсонларнинг хотиралари билан тинглаганман.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, халқимизнинг фидойи фарзанди, жасорат соҳиби Шароф Рашидовнинг пок номини тиклаш, ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизда Шароф Рашидов ҳайкали ўрнатилди. Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Каримов фармонларига мувофиқ 1994-йилда «Истиқлол» санъат (аввалги «Халқлар дўстлиги») саройи қурилишининг ташаббускори бўлгани учун Шароф Рашидовнинг «Алишер Навоий» номидаги давлат мукофоти билан тақдирланиши (Мукофот марҳумнинг оила аъзоларига берилди) буюк давлат арбобининг пок номини оқлаш, хотирасини абадийлаштириш борасидаги дастлабки хайрли ишлардан бири бўлди.

Жорий йилнинг 27-март куни муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида фармонларининг қабул қилиниши халқимиз томонидан жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Чунки ўз тақдирини халқимиз тақдири билан бир бутун санаган Шароф Рашидовнинг эзгу ишлари халқимиз дилида жой олган. Ушбу фармонга мувофиқ, Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Жиззахда Шароф Рашидов ҳайкали ўрнатилиб, уй-музейи ташкил этилди. Ҳар гал пойтахтимиз азим Тошкентнинг сўлим кўчаларида юрганимда «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Тошкент телевизион минораси», «Истиқлол» саньат саройи сингари шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган иншоотларни кўрганимда ёхуд метрога тушганимда Шароф Рашидовнинг сиймоси гавдаланади. У кишининг ниҳоятда оғир бир даврда юртимиз манфаaати йўлида бутун умри курашда ўтганини ўйлаб, юксак жасоратига, иродасига қойил қолиб, чексиз миннатдорлик ҳиссини туяман.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги бунёдкорлари бўлган биз ёшларнинг фидойи, юртпарвар, баркамол шахслар бўлиб улғайишимизда Шароф Рашидов ибрат намунаси бўлади. Зеро, бу фидойи инсоннинг фаолиятини ўрганиш, асарларини мутолаа қилиш, хотирасини қалбимизда сақлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

*Жобир Исматуллаев*
*Санъатшунослик факультети,*
*«Музейшунослик» йўналиши,*
*3-курс талабаси.*
*(Ушбу мақола қисқартирилган шаклда Қашқадарё вилояти, Косон туманининг «Косон» газетаси 2017 йил 1-ноябрь сонида чоп этилди.)*

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедра доценти Шоира Гулямова вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт “Дастгоҳли рангтасвир” кафедра ўқитувчиси Анвар Шодиевнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


| Таҳрир ҳайъати: | Муҳаррирлар: | Дизайнер ва саҳифаловчи: |
|---|---|---|
| Х. Аминов, С. Алиева, Д. Раҳматуллаева, Б. Хаджиметов, М. Қайимов, Л. Раупова, С. Саидова, А. Юсупов, Р. Норчаев. | М. Умарходжаева, А. Рахматуллаева, Н. Ходжаева, Ш. Худойбердиева | А. Умаров |

Таҳририят манзилгоҳи: Тошкент ш., Миробод тумани, Мироншох кўчаси, 123 уй. Тел.: (8 371) 255 98 39
«NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Оқ-Ота» ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказий кўчаси, 1 уй. Адади 500 нусха.



МУСАВВИР
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомлик ва Дизайн институти
Ноябрь, 2017 №3


# ЖИЗЗАХДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорида Жиззах шаҳрида унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ва ҳайкалини ўрнатиш белгиланган эди. Қисқа вақтда шаҳар марказида мазкур мажмуа ва ҳайкал бунёд этилди.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги доирасида ушбу ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар иштирок этди. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва бошқа яқинлари қатнашди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг халқимиз манфаатлари йўлидаги улкан хизматлари ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққани, ноёб ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан катта обрў-эътибор қозонгани, халқимизга садоқат билан ҳалол хизмат қилганини таъкидлади.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиғи билан севган адабиётга ҳамиша содиқ қолди. У ўзининг бетакрор истеъдоди билан эзгу қадриятларни тараннум этган роман ва қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди, деди Президентимиз.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Оқил Салимов, меҳнат фахрийси Исмоил Жўрабеков, учувчи-космонавт Владимир Жонибеков, меҳнат фахрийси Қаллибек Камалов, Шароф Рашидовнинг қизи, академик Сайёра Рашидова ва бошқалар Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

*Манба: Анвар Самадов, ЎзА*



# 18 НОЯБРЬ — «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН» КУН



Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шоншарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр ва ифтихор бағишлайди. Давлат байроғи Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги 407-XII-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган. Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга бўлиб, улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан институтда қатор тадбирлар ташкил этилди.

Хусусан, 16 ноябр куни Талабалар турар жойида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан институт ректори Х.Аминов, Маънавият, маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Сангиров, факультет маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан ўринбосарлари давра суҳбати ўтказдилар.

17 ноябрь куни институт кўргазмалар залида Тасвирий санъат факультети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг ижодий ишларидан ташкил этилган кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси А.Нуриддинов, Бош илмий котиб Ф.Абиджанова, институт ректори Х.Аминов, институт проректорлари, факультет деканлари, бўлим бошлиқлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди. Кўргазмадан ташкил топган ижодий ишларда Ватанга муҳаббат, унинг Давлат рамзларига шон-шарафлар тараннум этилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий Академиясининг 20 йиллиги муносабати билан узоқ йиллардан бери институтда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси ҳамда бош илмий котиб томонидан дипломлар билан тақдирландилар.

Шунингдек, шу куннинг ўзида талабалар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда институтнинг етакчи, фаол ва иқтидорли талабаларидан ташкил топган «Беҳзод ворислари», «Пикассо», «Интеллигент», «Арт критикс» жамоалари иштирок этишди. Ушбу кун барчада катта таассурот қолдирди.

*С. Расульмухамедова*
*Маънавият, маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси*

# А.Л.П.А.Н.А. ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ҲИНДИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ДЕҲЛИ ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «САМБХАВ-2017» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ



2017 йил 10-12 ноябрь кунлари Ҳиндистон давлатининг Деҳли шаҳрида А.Л.П.А.Н.А. ташкилоти томонидан «САМБХАВ-2017» халқаро фестивали ташкил этилди. XII маротаба ўтказилган мазкур фестивалда Непал, Куба, Бутан, Бангладеш, Индонезия, Эрон, Кения, Мянма, Мавритания, Шри Ланка, Россия Федерацияси, Чеченистон, Тайланд, Вьетнам, Ўзбекистон, Ҳиндистон каби давлатлардан 100дан ортиқ санъат ва маданият вакилларидан иборат делегатлар иштирок этишди. Уч кун мобайнида Деҳли шаҳрининг Азад Бҳаван арт галереясида делегатлар бадиий кўргазма, мусиқа ва рақс санъати бўйича саҳна кўринишлари, маҳорат дарслари ҳамда тақдимотларда ўзларининг ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

Мазкур фестивалда институтдан сомон санъати устаси Жасур Жумаев ва заргарлик санъати устаси Бобур Дадамухамедовлар хам иштирок этишди. Фестиваль доирасида юртимиз байроғи остида иштирок этган икки ижодкор томонидан кўргазма ташкил этилди, Жасур Жумаев томонидан сомон санъати бўйича маҳорат дарслари ўтказилди, шунингдек, делегатлар томонидан «Келажакка бир қадам» номли хайрия тадбирининг видеороліги ҳамда Тошкент вилоятининг Сижжак ҳудудида имконияти чекланган ижодкор болалар учун қурилиши режалаштирилган «Арт терапия» оромгоҳининг тақдимотини ўтказиб, фестивал ташкилотчилари, маданият ва санъат намоёндалари, дипломатик корпус вакиллари, турли давлатлардан ташриф буюрган элчихона ходимлари, кўплаб томошабинлар ва санъат ихлосмандларининг эътиборига тушдилар.

Уч кун давом этган ушбу халқаро миқёсдаги нуфузли фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Жасур Жумаев ва Бобур Дадамухамедов ташкилотчилар томонидан сертификат ҳамда фестивал совринига эга бўлдилар. Умуман олганда мазкур фестивал ёрқин воқеаларга бой тарзда ўтди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон номидан иштирок этган икки нафар делегатимиз мазкур фестивалда иштирок этишлари учун яқиндан амалий ёрдам берган А.Л.П.А.Н.А. ташкилоти ҳамда Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонасига ўзларининг миннатдорчиликларини билдириб қоладилар.



ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИДАН

## «ЁШЛАР ЎРТАСИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ОШИРИШ» ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 22 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг топшириғи (17.11.2017 й., 08-2929 хдфу)га биноан, талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 22 ноябридан 22 декабрига қадар барча олий таълим муассасаси ҳамда факультетларда манфаатдор идоралар билан келишув асосида ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни ошириш ойлиги ўтказиш, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг ватанга бўлган садоқатини ошириш ҳамда мафкуравий иммунитетни кучайтиришни таъминлаш тўғрисида»ги 25-ХФУ; хфу-66-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2017 йил 14 декабрдаги 626-U-сонли буйруғи асосида бир қатор мавзуларда тадбирлар ўтказилди

## «Диний экстремизм, терроризм ва унинг салбий оқибатлари»



2017 йил 20 ноябрь куни институт «Ёшлар маданият маркази»да профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида «Диний экстремизм, терроризм ва унинг салбий оқибатлари» мавзусида профилактик тадбир ўтказилди. Тадбирда институт ректори Х.Аминов, Маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори Д.Раҳматуллаева, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Рахмонов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитаси етакчи мутахассиси Б.Соипов, барча факультет декан муовинлари, Институт Ёшлар иттифоқи БТ аъзолари ва 10 нафар профессор-ўқитувчилар ҳамда 200 нафар талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбир бошида «Қиёматга қолган қарз» номли фильм намойиш этилди.

Маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори Д.Раҳматуллаева кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги мавзу билан тадбир иштирокчиларини таништирди. Шунингдек, тадбирдан кўзланган асосий мақсад, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилаётган турли бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, зарур вақтда ана шундай кучларга қарши маърифат илми билан қарши курашиш кераклигини тушунтиришдан иборат эканлигини таъкидлаб, институтда ҳам бу борада кўпгина амалий тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Институт ректори Х.Аминов бугунги кундаги глобал муаммолардан бири ҳисобланган экстремизм, терроризм ҳар бир фуқародан катта масъулиятни талаб этиши, халқаро терроризм ва дунёдаги қора кучларнинг «ислом ҳимоячилари» ниқоби остида динга ва инсониятга ёд ғояларни амалга ошираётгани, уларнинг дунё давлатлари суверенитетига раҳна солаётгани сергакликка даъват этиши ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг намойиш этилган фильм борасида талабаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Санъатшунослик факультети 3 курс талабаси А.Темиров - авваламбор ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, турли диний оқимларга қўшилиб кетишига уларнинг онгида маънавий бўшлиқнинг мавжудлиги асосий сабаб эканлигини айтиб, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун талаба-ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ва бўш вақтларини тўгараклар, турли маърифий тадбирларга жалб этиш орқали тўлдириш лозимлиги тўғрисида фикр билдирди.

Санъатшунослик факультети 1 курс талабаси Ш.Воҳидова – ёшларнинг турли зарарли иллатлар гирдобига тушиб қолишида у тарбия топган муҳит, хусусан, оила, маҳалла, жамоатчиликнинг бефарқлиги билан бирга аввало, инсоннинг ўзи айбдорлиги, инсоннинг маънавияти кучли, эътиқоди мустаҳкам бўлса, унга ҳеч қандай куч таъсир эта олмаслиги тўғрисида фикрларини билдирди. Шунингдек, Ф.Зокирова, Н.Саидова, Т.Эргашев, А.Афзалов, У.Мухторова, С.Йўлдошев каби бир қатор талабалар экстремизмнинг зарарли иллатларига қарши кураш ва фильм намойиши юзасидан ўз-фикр мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шундан сўнг сўз навбати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитаси етакчи мутахассиси Б.Соиповга берилди.

У диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё аҳлининг хавфсизлигига жиддий таҳдиди, ёвуз ниятли кимсаларнинг тарафдорларига айланиб қолаётган айрим ёшларимизнинг нафақат ўз юрти балки дунё тинчлигига раҳна солаётгани ҳақида ўзининг маълумотларини ва мулоҳазаларини билдирди.

Дунёда содир бўлаётган мудҳиш жараёнлар, хусусан Сурия ва Ироқда бўлаётган қонли урушлар оқибатида минглаб бегуноҳ аҳолининг ҳаётдан кўз юмаётгани, энг ачинарлиси улар орасида ёш болаларнинг борлиги барчанинг бирдай сергак огоҳлик ва сергаклик талаб этади. Ислом динини ниқоб қилиб, қўпорувчилик, террочилик ҳаракатларини олиб бориш жараёнида бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабабчи бўлаётган манфур кимсаларнинг қилмишлари ёшлар орасида тарғибот ишларининг амалий аҳамиятини янада кучайтириш лозими эканлигини кўрсатмоқда.

Тадбир сўнгида талабалар томонидан берилган саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар.

Қизғин суҳбатдан сўнг Д.Раҳматуллаева тадбир қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, бу каби давра суҳбатларини тез-тез ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлади.

## «ЁШЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ»



27 ноябрь куни институтда Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда «Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида профилактик тадбир ташкил этилди.

Санъатшунослик факультети иш режасига асосан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилишининг олдини олишга қаратилган ушбу профилактик тадбирни факультет деканининг Маънавият, маърифат ишлари бўйича ўринбосари О.Ҳакимова олиб борди ва бугунги мавзудаги давра суҳбатларининг факультет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ҳамда талабалари учун аҳамияти тўғрисида гапириб, сўзни Миробод тумани ХПБ ВЕ ва ЁЎХПТЭГ раҳбари, майор С.Зайниддиновга берди.

С.Зайниддинов: «Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилганлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тошкент шаҳар ИИББ, Миробод тумани ХПБ бошлиғи, майор Ж.Абдуқодировга сўз берилди. Ж.Абдуқодиров ўз сўзида: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўришимиз лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ёшларнинг Қонунларни билмаслиги оқибатида муаммоларга дуч келиб қолмасликлари учун юртимизда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрлар билдирди.

Шунингдек, маърузачи бугунги кунда ватанимиз дунёдаги тинч ва осуда мамлакатлар сирасига киришини, тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етишимиз лозимлигини талабалар ўртасида ҳар хил хуқуқбузарликлар бўлмаслиги учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни таъкидлаб ўтди. Ёшлар орасида ироданинг кучсизлиги, ўз ҳаётий позицияси ва мустақил фикрига эга эмаслиги натижасида жиноят содир этишдан тийилишлари бўйича ўз фикрларини билдирди.

Тадбирда «Эссизгина, ёшлигим» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Бўлиб ўтган давра суҳбати ва фильм таассуроти юзасидан талабалар ва ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар

Учрашувда берилган барча саволларга Тошкент шаҳар ИИББ, Миробод тумани ХПБ бошлиғи, майор Ж.Абдуқодиров, Миробод тумани ХПБ ВЕ ва ЁЎХПТЭГ раҳбари, майор С.Зайниддинов ҳамда Миробод тумани «Байналминал» МФЙ профилактика катта инспектори, майор Т.Исамуҳамедов томонидан етарли даражада жавоб берилди. Бўлиб ўтган тадбир институт, ЎзБА ва ОТВ интернет сайтларида ёритилди.

## «ГИЁҲВАНДЛИК – ҲУДУД, ЧЕГАРА, МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИГАН МУДҲИШ ИЛЛАТ»



Жорий йилнинг 29 ноябрь куни институт «Ёшлар маданият маркази»да «Гиёҳвандлик – ҳудуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш иллат» мавзусида профилактик тадбир бўлиб ўтди. Тадбир бошида «Қабоҳат» номли фильм намойиш этилди. Институт Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Д.Раҳматуллаева тадбирни кириш сўзи билан очиб, ундан кўзланган асосий мақсад, талаба-ёшларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилаётган турли бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, зарур вақтда ана шундай кучларга қарши маърифат илми билан қарши курашиш кераклигини таъкидлаб, институтда ҳам бу борада кўпгина амалий тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг намойиш этилган фильм борасида талабаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Амалий санъат факультети 4 курс талабаси Марҳабо Бурхонова – талаба-ёшларнинг гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолмаслиги учун аввало уларнинг эътиқоди мустаҳкам бўлиши лозимлиги, ён-атрофда бундай ҳодисаларга бефарқ, лоқайд бўлмаслик, унинг олдини олиш учун талаба-ёшларда ғоявий иммунитетини шакллантириш лозимлиги тўғрисида фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий маркази ходими Рўзимуродов Беҳзод Гулмуротович – «Наркографик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш ва гиёҳвандликни олдини олиш» мавзусидаги тақдимот орқали талабаларга ноқонуний дори-дармонлар савдоси ҳамда бугунги кунда гиёҳвандликка қарши олиб борилаётган ишлар ҳолати ва уларга қарши Ўзбекистонда ишлаб чиқилган қонунлар тўғрисида ўринли маълумотлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходими Эшов Хуршид Хуррамович – жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи омиллардан бири гиёҳвандлик балоси, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш орқали жиноятга қўл уриш – қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик оқибатида оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Тошкент шаҳар наркология диспансери врач-наркологи Ахмедов Фарход Эркинович – наркомания, унинг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ хасталиклар, гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан қанча инсонларнинг умрига, соғлигига зомин бўлаётгани хусусида, синтетик гиёҳвандлик воситалари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Институтда «Гиёҳвандлик – ҳудуд, чегара, миллат танламайдиган мудҳиш иллат» тадбири доирасида плакатлар кўргазмаси ташкил этилди.

Қизғин суҳбатдан сўнг Д.Раҳматуллаева тадбир қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, бу каби давра суҳбатларини тез-тез ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлади.



Тадбир сўнгида талабалар томонидан берилган саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар.

*Маънавият, маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими*



ИНСТИТУТИМИЗ ФАХРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИАНТЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарори билан тасдиқланган «Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ 2017/2918-ўқув йили учун республикамиз олий таълим муассасаларининг аълочи, иқтидорли ва ижодкор талабалари институт фидоий профессор-ўқитувчиларининг заҳматкаш меҳнатлари натижасида «Тасвирий санъат тарихи ва назарияси» йўналиши 4-босқич бакалаври Атаханова Азиза Элдорбек қизи ҳамда «Мульфильм ва компьютер мультипликацияси» йўналиши 2-босқич магистри Абдужабборова Маъсудахон Абдужаббор қизини 2017 йил Маданият, санъат ва спорт таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори бўлганликлари билан институт жамоаси номидан қутлаймиз ва уларнинг келгуси ишларида зафарлар тилаб қоламиз!



**АТАХАНОВА АЗИЗА ЭЛДОРБЕК ҚИЗИ**
Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори



**АБДУЖАББОРОВА МАЪСУДАХОН АБДУЖАББОР ҚИЗИ**
Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори

## «БЕЛЬГИЯ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ, ТАРИХИ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН» ФОТОКЎРГАЗМА

2017 йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти томонидан Темурийлар Тарихи Давлат музейида «Бельгия маданияти ва санъати, тарихи, миллий урф-одатлари ва тарихий обидаларига бағишланган» фотокўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда Амир Темур фонди директори, «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти аъзоси Н.Хабибуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти аъзоси Б.Алихонов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ўринбосари вазифасини бажарувчиси З.Обидов, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х.Файзиев, «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти ижрочи директори С.Сангиновлар иштирок этдилар.

Унда «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамиятининг парламент ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари доирасида амалга оширилган ишлар борасида фикрлар юритилди.

Шунингдек, «Сиз Бельгияни биласизми?» танлови бўйича Тошкент шаҳар мактаблари ўртасида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ушбу тадбирда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳам муносиб равишда иштирок этдилар. Институт «Либос дизайн» кафедраси талабалари томонидан миллий ва Европа услубларида яратилган либослар намойиши томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

*Асалхон Рахматуллаева*
*Илмий бўлим ходими*



ХАЛҚАРО БЎЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

## Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) волонтёрлари



Жорий йил 13 ноябрь куни Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) волонтерлар координатори Камидате Бунсей ва волонтерлар дастури бўйича координатори Одил Хасанов, волонтёрлар Конагава Рэико ҳамда Коакутсу Юки хорижий педагогик тажрибаларни алмашиш мақсадида институтга ташриф буюрди. Делегация институт ўқув жараёни билан танишди ҳамда Конагава Рэико ва Коакутсу Юки япониялик волонтёрлар сифатида институтга қабул қилиндилар.

## Сока Гаккай (Япония) делегацияси



Жорий йил 22-ноябрь куни Сока Гаккай (Япония) университетининг вице-президенти Кэндзи Йосиго, Сока университети, Буддизм халқаро илмий тадқиқот институти директори, профессор Сэйси Карасима, Сока Гаккай халқаро алоқалар бўлими директорининг ўринбосари Хадзимэ Мидзусима, Сока Гаккай мутахассислари Сатиэ Митигутиҳамда Сеико ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш мақсадида институтга ташриф буюрди. Делегация институт раҳбарияти билан учрашди. 2018 йил январь ойида фото кўргазма ҳамда унинг доирасида давра суҳбатини ташкил этиш режалаштирилди.



## Ра Йонг Йиль бошчилигидаги делегация (Корея)

Жорий йил 28-ноябрь куни Гачон университетининг (Корея) профессори Ра Йонг Йиль ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида институтга ташриф буюрди. Ташриф чоғида Гачон университети профессор-ўқитувчиларини институтга таклиф этиш ва тажриба алмашиш каби масалалар келишиб олинди.

*Халқаро бўлим*

